



ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ

**Сулайманов
Искандар
Баходир угли**

Тошкент давлат университети ассистент
iskandarsbu1@gmail.com
+998999751188

Республика фонд бозорининг халқаро капитал бозорига интеграциялашувини таъминлаш ва бозор инфратузилмасини такомиллаштириш бугунги кундаги иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йуналишларидан биридир. Халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан ҳамкорликда хорижий инвестицияларни ўзбек эмитентларининг қимматли қоғозларига жалб этилиши ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда иккиламчи фонд бозори энди шаклланиб ва ривожланиб келмоқда. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори барча ривожланаётган фонд бозорлари каби катта кийинчиликларга дуч келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2022-2026 йилларда 70 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларида 7 миллиард АҚШ долларига етказиш вазифалари қўйилган¹. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва уни халқаро капитал бозорига интеграциялашувини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Сўнгги йилларда қимматли қоғозлар бозорини халқаро капитал бозорига интеграциялашувини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, 2021 йилда “Ўзбекнефтегаз” АЖ томонидан қиймати 700 млн. доллар миқдоридаги қимматли қоғозларни 4,75 фоиз ставкаси билан 7 йиллик муддатга, “UZAUTO MOTORS” АЖ томонидан қиймати 300 млн. доллар миқдоридаги қимматли қоғозларни 4,85 фоиз ставкаси билан 5 йиллик муддатга ҳамда “Ипотека банк” АЖ томонидан 785 млрд. сўм қийматидаги қимматли қоғозларни 16,0 фоиз ставкаси билан 3 йиллик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

муддатга халқаро молия бозорида жойлаштирилди².

Эътироф этиш оизки, 2020 йилнинг 19 ноябрь куни Молия вазирлиги томонидан умумий хажми 750 млн. доллар микдоридаги суверен халқаро облигациялар икки траншда – 10 йиллик муддат билан 555 млн. доллар долларда ва 3 йиллик муддат билан илк бора миллий валютамиз - ўзбек сўмида 2 трлн. сўм микдорида Лондон қимматбаҳо қоғозлари бозорида (London Stock Exchange) муваффақиятли жойлаштирилди. мазкур АҚШ долларидаги 10 йиллик суверен халқаро облигацияларининг дастлабки 4,25%дан 3,70%га тушгани 2019 йилда эмиссия қилинган облигацияларимизнинг иккиламчи бозордаги котировкаларига ижобий таъсир кўрсатиб, Ўзбекистон Республикасининг 5 йиллик (ҳозирда 3 йиллик) ва 10 йиллик (ҳозирда 8 йиллик) суверен халқаро облигацияларининг даромадлилиги сезиларли даражада тушишига сабаб бўлди³.

Мамлакат қимматли қоғозлар бозорини халқаро капитал бозорига интеграция қилишни таъминлаш учун, биринчи навбатда макроиқтисодий кўрсаткичларининг мақбул даражаларини таъминлаш керак. Масалан, 2022 йилда инфляция бўйича белгиланган мақсади кўрсаткичга эришишнинг иложи бўлмади. Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларида 2022 йил учун инфляциянинг йиллик даражасини 8-9 % даражасида бўлиши прогноз қилинган эди⁴. Бироқ, 2022 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 12,3 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, қимматли қоғозларнинг эмитентлари бўлган мамлакат корхоналарининг жорий ликвидлилик даражасини ошириш учун, биринчидан, жорий активларнинг ўсиш суръати билан жорий мажбуриятларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, юқори ликвидли қисқа муддатли қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш йўли билан жорий активлар ҳажмини ошириш керак; учинчидан, кредитор қарздорликнинг айланиш тезлигини ошириш йўли билан кредитор қарзларнинг жорий мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш лозим.

Бундан ташқари, эмитент корхоналарда активларнинг рентабеллик даражасини ошириш мақсадида:

-соф фойданинг ўсиш суръати билан активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим;

-маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини камайтириш орқали асосий фаолиятдан олинadиган фойда микдорини кўпайтириш керак;

-инновацион техника ва технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш кўламини кенгайтириш орқали асосий воситаларнинг активлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш зарур.

² 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи//www.cbu.uz.

³ www.mf.uz

⁴ Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари//www.cbu.uz